E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК БУЮМЛАРИ КЕРДЕР МАДАНИЯТИ АҲОЛИСИНИНГ МАЪНАВИЙ ДУНЁСИНИ ЎРГАНУВЧИ МАНБА

Турганов Б.Қ.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Тарих ўқитиш методикаси кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

Сапарова А.Қ.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти «Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (тарих)» мутахассислиги магистранти

Жанубий Орол бўйи турли этник гуруҳларнинг тўқнашуви ва симбиози юз берган қадимий маданиятга эга минтақадир. IV-VIII асрлар миграцион жараёнлар билан боғлиқ турда минтақада этник жараёнлар кучайган давр сифатида изоҳланади. Қўйи Амударё худудида VI – аср охиридан XII аср бошигача Кардар маданияти ҳукм суради.

Кардар маданияти ёдгорликлари С.П. Толстов, Е.Е. Неразик, Ю.А. Рапопорт, А.В. Гудкова, В.Н. Ягодин, М.М. Мамбетуллаев томонидан тадқиқ қилинган. Уларнинг фикрича, Кардар маданияти қўйи Сирдарё бўйидаги Жетиасар маданияти ва кўчманчи туркий аҳолининг миграцион силжиши натижасида юзага келган. Куюк-қалъа, Кердер, Тўк-қалъа, Қўрғонча, Бағдод қалъа Кердер маданияти қалъалари ҳисобланади.

Араб форси муаллифларидан ал-Истаҳри (X аср), ал-Мақдисий (X аср), Ибн Хордадбек, ал-Йаъқутлар (XIII аср боши) Кардар вилоятининг географик жойлашуви, суғориш иншоотлари, тили ва ўзига хос маданияти тўғрисида қисқа маълумотлар беради [1,Б.179-181]. XIII аср бошида ёзилган Йаъқутнинг “Муъжам ал-булдон” (“Ўлкалар рўйхати”) асарида келтирган маълумотга кўра, кардарликлар “на хоразмий ва на туркий бўлган” ўз тилларида гаплашганлар.

Археологик тадқиқотларда Кердер маданияти қалъаларидан яшаш ва хўжалик хоналари, устахоналар, мозор қабрлари очилди ва улардан сопол, металл, шиша, тош, суяк ясалган ҳунармандчилик буюмлари топилган.

Мазкур топилмалар таҳлили VII-XI асрларда Кардар аҳолисининг чорвачилик, деҳкончилик, балиқчиликдан ташқари кулолчилик, металлсозлик, шишасозлик, суяк, тош ва ёғочга ишлов бериш каби ҳунармандчилик соҳалари билан ҳам шуғулланганлигини кўрсатади.

Айниқса, ёдгорликларидаги бадиий ҳунармандчилик маҳсулотларида ўзига хослик яққол кузатилади. Бадиий ҳунармандчилик маҳсулотлари Кердер вилояти аҳолисининг маънавий маданияти ва анъаналари, дини ва эътиқоди, урф-одатлари тўғрисида бой маълумотлар беради.

Куюк-қалъа, Кердер, Тўк-қалъа, Қўрғонча қалъалардан қайд қилинган археологик материаллар Кердер маданияти аҳолисининг тангричилик ва зароастризм динларига эътиқод қилганликларидан гувоҳлик беради. Жумладан, Қўрғонча (1972 йил), Кердер (1997 йил) ёдгорликларининг VII-VIII асрларга оид қатламларидан басавлат кийиндирилган ва безакларда безатилган сопол ҳайкалча топилган [2, Б.207 - 211].

Қўрғонча ёдгорлигидаги ҳайкалча образида туркий халқларнинг фаровонлик ва оила ҳомийси бўлган маъбуда – Умай она образи мужассамлаштирилган [6,Б.147-150]. Умай она туркий халқларда фаровонлик ва янги туғилган чақолоқларнинг ҳомийси бўлиш билан бирга, улуғ ва муқаддас бош илоҳ бўлган Тангрининг умр йўлдоши ҳисобланади [5, Б.92].

Унга ўхшаш сопол ҳайкалча Куюк-қалъанинг VIII аср ўртасига оид қатламларидан топилган [4,Б.39]. Ҳайкалчанинг белидан пастки ва бош қисмлари синган. Ўнг қўли кўкрак томонга тўғри бурчак остида букилган ва рельфли шаклда қўлида қадаҳга ўхшаш идишни турган ҳолатда акс эттирилган. Ўнг қўлига билакузук тақилган. Пастга туширган чап қўли бармоқлари синган. Ҳашамдор устки кийими ёқалари учбурчак тарзли, кийим ёқасининг чеккалари ҳошияланган ва қўл қисмлари узун ишланган. Ҳайкалчанинг сақланган қисми баландлиги 5,5 см, эгнилари оралиғи кенлиги 5 см, қалинлиги 1,4 см.

Ҳайкалча образи бир томонлама ишланган, орқа томони текис, очиқ қизғиш ангобда ишлов берилган. Умуман, ҳайкалча юксак маҳорат билан санъат асари даражасида тайёрланган.

Уларга ўхшаш кўчманчи туркий халқлар маданиятига оид ҳайкалчалар Жанубий Хоразмнинг илк ўрта асрларга оид Якка – Парсон ва Катта Қирққиз ёдгорликларидан ҳам қайд қилинган [6,Б.147-150].

Археологик ва этнографик материалларда, Умай она қўлида муқаддас сутга тўлдирилган олтин қадаҳ кўтарган ҳолатда рамзий мазмунда акс эттирилган. Агарда чақалоқ касал бўлса Умай она болани сут билан озиқландирган ва унинг соғайишига олиб келган.

Умай она образи Жанубий Оролбўйи худолар пантеонида VI - VIII асрлардан олдинги даврларда учрамайди.

Кердерликларнинг маълум қисми зардўштийлик динига эътиқод қилишган. Буни биз, Куюккалъа, Қрантаў ва Тўккалъа некрольларидаги археологик материалларда батафсил кузатишимиз мумкин.

Айниқса, Тўк қалъа ёдгорлиги некрополидан юзлаб остадонлар топилган бўлиб, уларда марҳумнинг мотам саҳнаси кўринишидаги сюжет тасвирланган. Ушбу астодонлар бугунги кунда Нукус шаҳридаги И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейи ва Қорақалпоғистон тарихи ва маданияти музейларида сақланмоқда. Остадонлар марказида марҳумнинг ўлим тўшагидаги манзараси акс эттирилган. Мазкур ҳаракат ўта схематик тарзда яратилган меъморий тузилиш фонида ёритилган. Унинг тафсилотларидан фақат биттаси махсус ва кескин таъкидланган – бу марҳум орқасидаги тўртбурчак эшик. Горизонтал қизил чизиқлар эшикнинг юқори қисмидан ён томонга чўзилган, эҳтимол бу бинонинг юқори қисмини англатади. Кириш жойининг юқори қисмида ярим ой шаклидаги диск тасвирланган. Мотамда ўзларини қийноққа солиш учун қўлларини кўкрагига ёки бошига кўтарган ҳолатда икки қаторда турганлар: аёллар чап тарафда, марҳумнинг ўнг томонида эса эркаклар, унинг олд қисмида учта фигура ўтирган ҳолатда тасвирланади.

Биринчи қаторда турган аёллар тўғри тўрт бўрчак шаклда кесилган қизил рангдаги кўйлакларда ёки кўкрак қисмига нимадир қўйилган. Иккинчи қаторда турган учта аёл ва марҳумнинг ўрилган сочини ушлаган аёл енгсиз кўйлакта тасвирланади. Биринчи қатордаги эркаклар икки томонлама кафтан кийишган. Иккинчи қатордаги ва эҳтимол чап томон чеккасидаги аёлнинг елкаси яланғоч ва юқори кўкрак қафаси очиқ, эҳтимол бу маросим зарблари ва жароҳатлар етказиш учун акс эттирилган бўлиши мумкин.

Мазкур топилмалар Кердер маданияти аҳолисининг тангричилик ва зардўштийлик динларига этиқод қилганлигидан далолат беради.

Кердер қалъаларида IX асрдан сирланган сопол идишлар тарқалади. Уларда қушлар ва ҳайвонотлар тасвирини акс эттириш кенг тарқалган.

IX - X асрлардаги Кердер қалъасидан бургут, илон ва балиқнинг композициялашган тасвири туширилган сирли сопол коса топилган [3, Б.105]. Косанинг сақланган юқори қисми диаметри 22-24 см, таги диаметри -13 см. Ички қисми оқ - рангли кўриниши устига, қора қўнғир рангда нақш туширилган. Ички ярим айлана қисмининг марказига бургут қуши акс эттирилган. Косанинг ичидаги қушнинг боши ўнг томонга қараб турибди. Қушнинг патлари йўл- йўл чизиқлар билан берилган. Иккита қанотининг бош томонидаги патлари балиқ тангаларига ўхшатиб ишланган. Бургут, иккита оёқ тирноқлари билан, ўзининг танасига чирмашаётган илонни маҳкам тутиб турибди. Чирмашаётган илоннинг учта жойи ўсимлик япроқлари билан безатилган. Бургутнинг иккала қаноти ташқи ён томонида балиқ тасвири туширилган.

Ҳунарманд косадаги тасвир орқали Орол денгизи ва қўйи Амударё соҳилларининг табияти ва жонзодларини ёритиб бера олган.

Ўрта Осиё ва Эрон халқлари тушунчаларида, бургутни - мўжизакор самовий жонзод - само ҳукмдори, баъзида қуёш маъбудаси тимсоли деб ҳисоблашган. Бургут инсонга бахт, бойлик олиб келади деб, унга ҳурмат билан қарашган. Туркий халқларда ҳам бургутни само ҳукмдори ва мўжизакор жонзод сифатида дея билишган [9, Б.89]. Бургут шамонларнинг ҳамкори ҳисобланиб, инсон вафот этганда, унинг «жони»ни иккинчи дунёга олиб ўтувчи жонзод - дея ишонишган. Одамнинг «жони»ни у дунёга қуш олиб кетади деган тушунча, зардўштийлик динида ва қадимий Миср, Бобил, Юнонистон аҳолиси мифологияларида ҳам мавжуд бўлган.

Умуман, IX-X асрларга оид Кердер қалъаси косасидаги тасвирларни космологик маънода тавсифлашга бўлади. Вертикал дунё кўринишини - учга бўлиб қарасак, у жойда бургут (қуш) - унинг юқори қисмида, балиқ ўрта қисмида, қўйи – паст қисмида эса ер ости илони бўлади. Тасвирдаги учта жонзод, ҳаёт ва тирикчилик учун мангу курашни ифодалайди.

Ўша даврга оид Кардар ёдгорлигидаги бошқа бир сирли сопол идишда қирғовул ва кабутар тасвири ифодаланган [3, Б.106].

Ушбу тасвирнинг юзага келиши Жанубий Орол бўйи халқларининг мифологик дунёқараши ва бадиий саънати анъаналари билан боғлиқ. Зардуштийлик таълимотидаги тушунчаларга кўра, товус ва кабутар Анахита маъбудаси билан бирга юрадиган қушлар ҳисобланган. Одатда, маъбудалар атрофида юрувчи қушлар қиёфасида уларнинг тасвирлари акс эттирилган.

Жанубий Орол бўйи аҳолиси ва атрофидаги кўчманчи халқларнинг мифологик тасаввури, фольклор ва амалий санъатида қушлар қадимдан то ўрта аср охирларига қадар улуғворлик ва илоҳийлик тимсоли сифатида ифодаланган.

Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи тарокима” асарида қайд этилишича, Ўғузхон даврида шунқор, бургут, укки, қарчиғай, турунбой, лочин, ҳумой, туйғун, қарға муқаддас қуш – тотем ҳисобланган [9, Б.89]. Шарқшунос олим В.В. Бартольд Рашидиддин маълумотларига асосланиб, ўғузларда ҳатто ислом даврида ҳам тотемизм сақланганлиги ва улар ҳар бир қушни эъзозлаши, уруғ аъзоси деб ҳисоблаганлиги, уларга тегилмагани ва гўштини ейилмагани хусусида ёзади. Қолаверса, ўзбеклар таркибида бургут, бурқут каби этнонимга эга уруғлар пайдо бўлиши ҳам тотемистик қарашлар билан боғлиқ.

Демак, Жанубий Орол бўйи ва Хоразм халқлари мифологик тафаккурида улуғворлик ва илоҳийлик тимсоли бўлган хумо, товус, бургут, кабутар, оқ қуш, қардирғоч

каби қушлар бадиий ҳунармандчилик буюмлари ва халқ амалий санъатида XX аср бошига қадар рамзий мазмунга эга бўлган. Бу эса қадимги ва ўрта аср бадиий ҳунармандчилик буюмларига қушлар тасвири ва қиёфасини акс эттириш учун ҳунармандларга етарли асос бўлган.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ёдгорликларидаги амалий санъат ва бадиий ҳунармандчилик буюмлари Кердер маданияти аҳолисининг моддий ва маънавий маданиятида гувоҳлик берувчи артефактлар ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Материалы по истории туркмен и Туркмении – Т. I. -М-Л.: 1939.
2. Мамбетуллаев М.М. Статуэтка Умай из Кердера //ИМКУ. Вып.31. - Самарканд. 2000.-С.207-211.
3. Мамбетуллаев М.М., Турманов Ж.Т., Юсупов О.Ж. Поливной керамика Кардара // Вестник ККОАНРУ. –Нукус, 2005. -№ 1-2. - С.105-109.
4. Мамбетуллаев М.М. Раннесредневековая Куюккала // Вестник. Международ ного Института Центральноазиатских исследование. - Самарканд-Бишкек. 2005. Выпуск 2, -С.39.
5. Патапов Л.П. Умай–божество древных тюрков в свете этнографических данных. Тюкологический сборник. 1972. -М.: 1973. - С.89-97.
6. Турганов Б. Тангричилик дини элементларининг Кердер маданияти археология материалларида акс этиши. Қадимий Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт). Республика илмий-амалий конференция материаллари.–Тошкент, 2019. –Б.147-150.
7. Турганов Б.К., Алламбергенов С.К. Роль металлических предметов в изучении средневековых культурноэкономических связей Хорезм //Международный научный журнал символ науки. ISSN 2410-700 х. 5/2021. –Б.48-54.
8. Turganov Bakhyt Kurbanbaevich, Allambergenov Aymurza Joldasbaevich, Najimova Feruza Markabaevna, Rzambetova Genjegul Aygelievna. Artistic Metal Products Of Khorezm During The Revival Period //Journal of Pharmaceutical Negative Results ¦ Volume 14 ¦ Special Issue 2 ¦ 2023. –P.1295 -1304.
9. Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана.-Ташкент, Гафура-Гуляма. 1988.-С.89.

WORDLY
KNOWLEDGE